



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ички аудит бўлимининг
НИЗОМИ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академикларининг фаолиятини янада такомиллаштириш варагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 29-декабрдаги ПФ-4907-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятининг меъёрий-хукукий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарори, хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли қарорига асосан Фанлар академияси Ички аудит бўлимни (кейинги матнларда бўлим деб номланади) ташкил этиш ва ушбу бўлимни вазифалари ва функциялари, хукуклари ва жавобгарлигини хамда фаолият тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Бўлим Фанлар академиясининг тизимида молиявий хукукбузарликлар профилактикасини, бюджет маблағлари мақсадли сарфланишини, улар томонидан бюджет конунчилигига, шунингдек бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи академиянинг молиявий назорат органи ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Бюджет кодекси ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек бошқа қонун хужжатларига амал киласди.

3. Бўлимнинг таклиф ва билдиргилари асосида академия ваколат доирасида қабул қилинган қарорлари тизим ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Бўлим Фанлар академиянинг таркиби бўлинмаси ҳисобланади ва ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига бўйсунади ва ҳисбот беради.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари хисобланади:

Академия тассарутидағи ва ташкилотларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ноконуний сарфланиши ва талон-тарож килиниши ҳолатларини аниқлаш, профилактика қилиш ва олдини олиш;

тизимдаги ва ташкилотларнинг даромадлар ва харажатлар сметасини тўғри режалаштирилиши ва унинг ижроси, бюджет ҳисобини юритилиши, тендер (тандов) савдоларининг шаффоғ ўтказилиши ва шартномалар тузилиши устидан назоратни амалга ошириш;

тизимдаги ташкилотлар ҳамда марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари раҳбарларига бюджет ҳисоби ва хисоботи тизимини такомиллаштириш, асосиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик, бюджет, смета-штат интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш, шу жумладан товарлар, иш ва хизматларни ҳарид қилиш самарадорлигини ошириш, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг ходимлари таркибини мустаҳкамлаш масалалари бўйича тавсиялар бериш;

бюджет қонунчилигига риоя этиш бўйича Фанлар академияси ташкилотлари билан тизимли асосда профилактика ишларини олиб бориш;

аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тизимдаги ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

6. Бўлим ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

даромадлар ва харажатлар сметалари ва штат жадвалларини конун ҳужжатлари талаблари асосида тузилишини ўрганиш;

тайёрланган ва топширилган молиявий ҳисботларнинг ишончлилиги, асосланганлигини ва тўла (тугалланган) бўлишини ўрганиш ва таҳлил этиш;

юзага келган дебитор ва кредитор қарздорликларнинг асослилигини ўрганиш;

накд пул маблағлари, товар-моддий бойликлари ҳамда бошқа активларни сакланиши ва ҳолатини ўрганиш;

иш ҳақи ва унга tengлаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида молиялаштирилиши ҳамда маблаглардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан мониторинг ўтказиш;

қарздорликларни ундириш ва қисқартириш, тўлов интизомига риоя этилишини таҳлил этиш асосида бюджет маблағларидан самарали фойдаланилганлигини ўрганиш;

ўтказиладиган турли тадбирларга мақсадли ажратилган маблагларнинг ҳақиқий эгалари томонидан олинганлиги ўрганиш;

дастурларда (давлат, тармоқ, худудий) ва бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгилangan мақсад, тадбир ва вазифалар бўйича ажратилган бюджет маблағлари доирасида сарфланганлигини ўрганиш;

тизимдаги ташкилотларда коррупция холатларини аниглаш ҳамда айборларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўриш бўйича вазирлик раҳбариятига таклиф киритиш;

ваколат доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, меҳнат ва ижро интизомини таъминлашни назорат қилиш;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажариш.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқуқларга эга:

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклардан, ғазначилик бўлинмаларидан, шунингдек бошқа ташкилотлардан молиявий мониторингни амалга ошириш юзасидан зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган Ҳисоб палатаси бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ёки Вазирлар Маҳкамасига киритиш бўйича академия Президентига таклиф тайёрлаш;

ички аудит бўлими қонун ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига мос равиша үтказиш;

ички аудит бўлими ўрганиш жараённида талаб килинадиган ҳужжатлар ва материалларни ички аудит назорат обьекти мансабдор шахслари томонидан тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ҳолатлари бўйича далолатномалар тузиш;

ўрганиш обьекти мансабдор ва масъул шахсларнинг тушунтиришлар бериш ва ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолашдан бош тортганликлари тўғрисидаги далолатнома тузиш;

тақдим этилган ёки хизмат вазифаларини бажариш муносабати билан уларга маълум бўлган сирларни ташкил этадиган ахборотларнинг маҳфийлигига риоя қилиш;

Академия тассаррӯфидаги ташкилотларда, инфратузилмасини ривожлантириш ва оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юбориш бўйича академия президентига таклиф тайёрлаш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни үтказишда, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан үтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш;

ички аудит бўлимида тадбирларида обьектларнинг электрон маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш;

Академия тассарруфидаги ташкилотлар соҳаси асосида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали бажарилишини мониторинг қилиш;

ички аудит бўлими тадбирлари натижасида назорат обьекти мансабдор шахсларининг ҳаракатларида жиноят белгилари аниқланган тақдирда академия президентига ахборот бериш ва белгиланган тартибда чора кўриш бўйича таклифлар киритиш;

ички аудит бўлими тадбирлари натижасида назорат обьекти мансабдор шахсларининг ҳаракатларида маъмурий хуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда материалларини маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатига эга бўлган органларга бериш;

коррупция ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича мажбуриятларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ бажариш;

манфаатлар тўқнашинувига сабаб бўладиган ҳолатлар бўйича академия раҳбариятига хабар бериш;

давлат ҳаридлари бўйича савдоларни ўтказувчи ташкилотларнинг маҳсус ахборот порталидан (ёпиқ қисмидан) фойдаланиш;

ички аудит бўлими тадбирларини ташкил этишда маҳсус қасбий билимларни талаб этадиган масалаларни қўриб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини эксперт сифатида жалб этиш;

мониторинг обьектининг мансабдор ва бошқа масъул шахсларидан ўрганиш жараёнида пайдо бўладиган масалалар бўйича тушунтиришлар беришни талаб қилиш;

мониторинг обьектида мансабдор ва бошқа масъул шахсларнинг тушунтиришлар беришдан ва назорат тадбири натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолашдан бош тортганликлари тўғрисида далолатнома тузиш;

зарур ҳолларда, омборлар, архивлар ва бошқа биноларни муҳрлаш, қалбакилаштириш, сохталаштириш ва бошқа сунистеъмолликлар алломатлари аниқланган тақдирда мониторинг обьекти тегишли ҳужжатларини олиб кўйиш, шунингдек мониторинг обьекти мансабдор шахсларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар ва хисоб-китобларни хатловдан ўтказилишини талаб қилиш;

ички аудит бўлими тадбирларини амалга ошириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, мақсадсиз ва ноконуний харажатларни, пул маблаглари ва товар-моддий бойликлар камомадини ундириш ҳамда мониторинг обьекти айборд шахсларини жавобгарликка тортиш юзасидан мажбурий тусга эга тақдимномалар киритиш.

9. Бўлим куйидагиларга мажбур:

ички аудит бўлими қонун ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига мос равиша ўрганиш ўтказилишини тамиллаш.

ўзига юқлатилган вазифа ва функцияларни сифатли бажариш;

режа асосида ўтказилган ички аудит бўлими тадбирлари натижаларига доир ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

давлат сирларининг ҳамда назорат обьектларининг қонун билан қўриклиданадиган манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш.

ички аудит бўлими тадбирлари натижасида назорат обьекти мансабдор шахсларининг ҳаракатларида жиноят белгилари аниқланган тақдирда вазирга ахборот беради ва белгиланган тартибда чора кўриш бўйича таклифлар киритиш.

ўрганиш жараёнида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш.

ички аудит назоратни ўтказиш вақтида сўралган ҳужжатлар ва материалларни ички аудит бўлими назорат обьекти мансабдор шахслари томонидан тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ҳолатлари бўйича далолатномалар тузиш.

ички аудит назорат юзасидан ўтказиладиган ўрганиш ва назорат жараёнида одоб-ахлоқ ва хизмат қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш.

бўлимнинг зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар юклатилиши мумкин.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим фаолиятига белгиланган тартибда Фанлар академия президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бўлим бошлиги раҳбарлик қиласи. Бўлим бошлиги бир нафар бош мутахассисга эга. Бўлим бошлигининг ва бош мутахассис академия президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Бўлим ўз фаолиятини бевосита академия президенти, президентнинг ўринбосари раҳбарлиги остида олиб боради.

11. Бўлим бошлиги бўлим фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

12. Бўлим ходимларининг лавозим йўриқномаси академия президенти томонидан ёки буйруқ асосида тасдиқланади.

13. Бўлим ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида, юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиқанликлари, шунингдек ҳуқукка хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат (лавозим) вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортилади.

5-боб. Бўлим ходимларининг иш ҳаки ва уларни моддий рағбатлантириш

14. Бўлимни моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, академиянинг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақами маблаглари ва қонун билан таъкидланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

15. Бўлим ходимларини қўшимча рағбатлантириш, ички аудит ва молиявий назорат тадбирларида аниқлаган молиявий қонун бузилиш (ўзлаштириш, камомад, талонтарожлик)лар натижасида ундирилган зарар суммасининг 90 фоизи бюджетга 10 фоизи Фанлар академияси маҳсус ҳисоб рақамига ундирилади.

16. Ички аудит бўлими томонидан ундирилган 10 фоиздан 5 фоизи бўлимнинг моддий техника базасини ривожлантириш учун қолган 5 фоизи бўлим ходимларни ўз фаолиятида

хизмат вазифаларини вижданан ва ташаббускорлик билан бажарганилиги ҳамда ишдаги юксак ютуқлари учун моддий рағбатлантиришлар амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

17. Ички аудит бўлими тадбирларини амалга оширишда обьектларининг мансабдор шахслари бўлим ходимлари томонидан молиявий назорат тадбирларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга мажбур.

18. Бўлимнинг, қонун хужжатларига мувофиқ кўрсатма ва тақдимномаларни бажармаслик, маълумот тақдим этмаслик ёхуд била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этиш, ҳамда уларга ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш таъкиқланади ва конунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

19. Бўлим фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.